



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чика бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

№ 186 (10.241)

2004 ЙИЛ 27 СЕНТЯБРЬ

ШАНХАЙ ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИ АМАЛДА

Бишкекда Шанхай ҳамкорлик ташкилотига (ШХТ) аъзо давлатлар Хукуматлар раҳбарлари Кенгашининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. У ШХТга аъзо давлатлар раҳбарлари кенгашининг шу йил 17 июнь кuni Тошкентда бўлиб ўтган мажлисида эришилган шартномалар бажарилишининг мантқиқий давоми бўлди.

Мажлисда ШХТ доирасида савдо-иқтисодий, сармоявий, транспорт, табиати муҳофаза қилиш, гуманитар ва бошқа соҳалардаги ҳамкорликни янада ривожлантириш ва чуқурлаштиришга оид масалалар муҳокама қилинди. Хукуматлар раҳбарлари олти давлат вазирликлари ва идораларининг ШХТ доирасида амалий ҳамкорликни йўлга қўйиш борасидаги саяё-ҳаракатларини ижобий баҳолашди.

Қабул қилинган қарорларга биноан электрон савдо, божхона ҳамкорлиги, техникавий регламентлар, андозалар ва мувофиқлик тартибини жорий қилишдаги ҳамкорлик, транзит салоҳиятини ривожлантириш ва сармояларни қўлаб-қувватлаш бўйича махсус ишчи гуруҳлари фаолият кўрсата бошлади.

Хукуматлар раҳбарлари Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар Савдо-иқтисодий ҳамкорлик дастурини бажариш тадбирлари режасини тасдиқлашди. У иқтисодий, илмий-техникавий ва гуманитар соҳалардаги ўзаро ҳаракатларнинг муҳим йўналишларини қамраб олган. Режа оздан ортиқ аниқ лойиҳалардан таркиб толган ва уларни босқичма-босқич амалга ошириш механизмларини назарда тутди. ШХТга аъзо давлатларнинг асосий саяё-ҳаракатлари товарлар, капиталлар ва технологияларнинг эркин ҳаракати учун шарт-шароит барпо этиш, биргаликдаги норматив-ҳуқуқий асосни шакллантириш ва тегишли қонун ҳужжатларини уйғунлаштиришга қаратилади.

Хукуматлар раҳбарлари ташкилотнинг Тараққиёт жағфармаси ва Ишбилармон кенгашини тузиш ҳамда интернет тармоғида ШХТ веб-сайтини очиб тўғрисида қарор қабул қилишди.

ШХТга аъзо давлатлар Хукуматлар раҳбарлари кенгашининг навбатдаги мажлисини кейинги йил иккинчи ярмида Москвада ўтказишга келишиб олинди.

Баҳоидир МАМАЖОНОВ,
«Жаҳон» АА.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҚАРОРИ

ПЛАСТИК КАРТОЧКАЛАР АСОСИДА ҲИСОБ-КИТОБ ҚИЛИШ ТИЗИМИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Пластик карточкалар асосида нақд пулсиз ҳисоб-китоб қилиш тизимини янада ривожлантиришни рағбатлантириш, улардан чакана савдода, коммунал хизматларга ва хизматларнинг бошқа турларига ҳақ тўлашда фойдаланиш, шунингдек пул маблағларининг банкдан ташқари айланишини қисқартириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан Ўзбекистон Банклар уюшмаси ва республика тижорат банклари билан биргаликда ишлаб чиқилган 2006 йил охиригача тижорат банклари томонидан пластик карточкалардан фойдаланган ҳолда ҳисоб-китоб қилиш тармоғини кенгайтиришнинг прогност жадвали маъқуллансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Ўзбекистон Банклар уюшмаси уч ой муддатда Банклараро про-

цессинг маркази негизида савдо ва хизматлар соҳаси ташкилоти ёхуд пластик карточка эгасига қайси банкда хизмат кўрсатилишидан қатъи назар барча савдо шохобчаларида банк операцияларини ягона режимида амалга ошириш имконини берувчи Ўзбекистон Банклар уюшмаси ҳузуридаги Ягона умумреспублика процессинг марказини ташкил этсинлар.

Давоми 2-бетда.

САЙЛОВЛАР ОЧИҚ ВА ҲАЛОЛ ЎТАДИ

Марказий сайлов комиссиясининг Матбуот марказида Олий Мажлисга сайлововди жаръинининг ёритилиши бўйича тузилган Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар матбуот марказларининг раҳбарлари ҳамда Ўзтелерадиокомпаниясининг тегишли ҳудудий таркибий бўлималари раҳбарлари билан учрашув бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раиси Б.Мустафоев ва Матбуот маркази раҳбари Ш.Қудратхўжаев жойлардаги матбуот марказларининг сайлов кампаниясини холисона, транспарент (ошқора ва очик) ёритилиши таъминлаш бўйича журналистлар ҳамда кенг жамоатчиликни хабардор қилиш, уларга ах-

борот бобида кўмаклашиш масалалари ҳусусида батафсил тўхталиди. Бунинг учун Марказий сайлов комиссиясининг ҳаракатлар дастури асосида махсус режалар ишлаб чиқиш, оммавий ахборот воситалари билан баҳамжиҳат фаолият юритиш лозимлиги таъкидланди.

Шу кuni Марказий сайлов комиссиясининг Матбуот марказида но-

давлат телерадиостанциялар директори ва бош муҳаррирлари, Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси аъзолари билан мамлакатимизда икки палатали парламентга ўтказиладиган сайловларга оид масалалар бўйича йиғилиш ҳам бўлди.

Давоми 2-бетда.

Қарамиз



МАҲОРАТ, ЭПЧИЛЛИК, ЧАҚҚОНЛИК КЎРИГИ

24-26 СЕНТЯБРЬ КУНЛАРИ ПОЙТАХТИМИЗДА ЎЗБЕКИСТОН КАРАТЭ МИЛЛИЙ ФЕДЕРАЦИЯСИ ХАМДА «ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» ВА «ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ» ГАЗЕТАЛАРИ ҲАМКОРЛИГИДА КАРАТЭ БЎЙИЧА БОЛАЛАР ВА ЎСМИРЛАР ЎРТАСИДА ЎЗБЕКИСТОН КУБОГИ МУСОБАҚАЛАРИ БЎЛИБ ЎТДИ

Ха, мухлислар энг кучли ёш каратэчиларнинг маҳорати, чиройли ва шиддатли беллашувларини уч кун давомида мириқиб томоша қилишди. Чиройли ва аниқ зарбалар берилган онларда эса зални ишқибозларнинг ҳайқириклари тутди.

... Хар доимгидай, бу гал ҳам Ўзбекистон Кубоги мусобақалари

рининг тантанали очилиши маросими жуда чиройли тарзда ўтди. Зални тўлдириб ўтирган мухлислар, иштирокчиларнинг ота-оналари Ирода Исқандарова, Раъно Бўронова, Жўрабек Ғаниев, Шавкат Матқубов, Аҳамбек Солиев ва бошқа санъаткорлар ижросидаги дилтортар кўшиқлар, шўх рақсларни диллари хушнуд бўлиб томоша қилишди.

Нихоят Ўзбекистон Кубоги мусобақалари қатнашчилари бўлиш республикамизнинг барча вилоятлари, Қорақалпоғистон Республикаси ва Тошкент шаҳридан 58 та клубнинг вакиллари — 1425 нафар каратэчи болалар ва қизлар марш садолари остида залга кириб келиб, саф тортишди.

Ўзбекистон Каратэ миллий

федерациясини президенти, 6 ДАН кора белбоғ соҳибни Нурхон Нафасов йилнинг энг нуфузли мусобақаларидан бири — Ўзбекистон Кубоги иштирокчиларига омад тилагач, каратэ бўйича Осиё чемпиони Отабек Қосимов мадҳиями садолари остида мусобақа байроғини кўтарди.

Давоми 3-бетда.



XXI аср саҳоси

Барча манбалардан олинган сўғити хабарлар

Мамлакатимизда

- Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги воғна етмаганлар ишлари бўйича комиссия ва Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси кўшма йиғилишида Андижон, Фарғона ва Наманган вилоятларида болаларга кўрсатиладиган тиббий хизмат ва уларни оммавий спортга жалб этишининг ахволи муҳокама қилинди.

- Навоий Давлат педагогика институтининг олимлари шаҳардаги «Лочин» фуқаролар йиғинига замонавий компьютер совға қилдилар.

- Бўстонлик туманининг Сижжақ қишлоғида Тошкент вилояти Хотин-қизлар кўмитаси ҳамда «Аёл ва саломатлик» уюшмаси томонидан Ислон тараққиёт банки хомийлигида аёллар ўртасида камқонлик касаллигининг олдини олишга бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

- Андижон вилоятида от спорти билан шуғулланувчилар учун аjoyиб база фойдаланишга топширилди — Андижон тумани, Хартум қишлоғида тўлиқ таъмирлашдан сўнг Отчопар ишга туширилди.

- Бекобод шаҳридаги «Мадина» хусусий корхонаси яқинда иш бошлаганига қарамай шу кунгача 8 миллион сўмликдан ортиқ маҳсулотлар — замонавий ва бежирим кийим-бошлар, коржомалар ишлаб чиқарди.

- Қарши шаҳридаги 15-мактабда IРЕХнинг «Ўзбекистон мактабларида Интернет» дастури ташаббуси билан Интернет фестивали ташкил этилди.

Жаҳонда

- Россия Ташки ишлар вазир Сергей Лавров БМТнинг Бош Ассамблеясида сўзга чиқиб, терроризмга қарши курашининг янги етти концепцияси ҳақида тўхталиб ўтди.

- Хитой табиати муҳофаза қилиш ва экологик ишлари бўйича бош раисининг ўринбосари Пан Юз мамлакатнинг иқтисодий барқарорлик сари кадам кўйгани Хитойни яқин йиллар ичида экологик инкирозга учратиши мумкинлигини таъкидлади.

- Ивано-Франковск шаҳрида Украина Бош вазир Виктор Януковичга суиқасд қилинди. Ҳозир Бош вазир касалхонанинг реанимация бўлимида даволанмоқда, айбдор кимса ҳибсга олинган.

- Ингушетия Ички ишлар вазирлигининг террорчиларга кўмаклашган икки ходими номлари эълон қилинди. Республика прокуратураси уларга айбонма тақдим этди.

- Лондондаги машҳур «Кристи» аукционда бразилиялик футбол кирили Пеленинг 10-ракамли футболкаси 105 минг 600 АҚШ долларига сотилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг
ҚАРОРИ

**ПЛАСТИК КАРТОЧКАЛАР АСОСИДА
ҲИСОБ-КИТОБ ҚИЛИШ ТИЗИМИНИ ЯНАДА
РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА**

Давоми. Боши 1-бетда.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари манфаатдор вазирликлар, идоралар, компаниялар, уюшмалар ва тижорат банклари билан биргаликда чакана савдо ва хизматлар соҳаси объектларини, автомобиль ёнилғиси қўйиш шохобчаларини ва аҳолидан нақд пул қабул қилиш бошқа пунктларини тўловларни пластик карточкалар билан қабул қилиш бўйича терминаллар билан:

Тошкент шаҳрида - 2005 йил 1 январгача;

вилоят марказлари ва вилоятга бўйсунувчи шаҳарларда - 2005 йил 1 июлгача таъминлаш чора-тадбирларини кўрсинлар.

Кўрилган чора-тадбирларнинг натижалари тўғрисида 2004 йил ва 2005 йилнинг биринчи ярим йиллиги якунлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ахборот берилсин.

4. Белгилаб қўйилсинки, пластик карточкалардан фойдаланиб товарларни сотишда ва хизматлар кўрсатишда ҳужжалик юритувчи субъектлар томонидан бериладиган терминал чеклари квантициялар, талонлар, чипталарга ҳамда товарлар ва хизматларга ҳақ тўланганлигини тасдиқловчи уларга тенглаштирилган бошқа ҳужжатларга тенглаштирилади.

5. Чакана савдо корхоналарига юридик шахсларнинг корпоратив пластик карточкалари бўйича товарларни ойлук товар айланиши ҳажмида сотувлар улуши чекланмаган ҳолда сотишга рухсат берилсин.

6. Пластик карточкаларнинг эмитентлари бўлган тижорат банклари:

2005 йил 1 январгача барча филиаллар, минибанклар ва жамғарма кассаларида тўловларни пластик карточкалар билан қабул қилиш бўйича терминаллар

ўрнатсинлар;

айланма маблағлар тақчиллигига дуч келаётган чакана савдо ва хизматлар соҳаси ташкилотларининг тўловларни пластик карточкалар билан қабул қилиш бўйича терминаллар сотиб олиши учун ўз миқозларининг сўровлари бўйича имтиёзли кредитлар берилсин (Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкасининг 50 фоизи ставкаси бўйича);

терминал тармоғининг узлуksиз ишлаши ва пластик карточкалардан фойдаланиладиган бошқа асбоб-ускуналардан, шунингдек дастурий таъминот сифатидаги мол-мулкдан 2005 йил 1 январдан бошлаб 3 йил муддатга мулк солиғи тўлашдан;

7. Тижорат банклари ва Ягона умумреспублика процессинг маркази: банкоматлар, терминаллар, коммутиция ускуналари ва пластик карточкалар бўйича тўловларни амалга ошириш учун фойдаланиладиган бошқа асбоб-ускуналардан, шунингдек дастурий таъминот сифатидаги мол-мулкдан 2007 йил 1 январгача божхона тўловлари тўлашдан (божхонада расмийлаштириш йиғимларидан ташқари) озод қилинсин.

8. Тижорат банклари ва Ягона умумреспублика процессинг маркази томонидан тўловларни пластик карточкалар бўйича амалга ошириш учун фойдаланиладиган мол-мулкдан солиқ тўлаш бўйича имтиёزلарни қўллаш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқлансин.

Тошкент шаҳри,
2004 йил 24 сентябрь

8. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, «Ўзэлтехсаноат» уюшмаси ва Ўзбекистон Банклар уюшмаси Маҳаллийлаштириш дастури доирасида республикада ўз материаллари негизда микрочиплари бўлган пластик карточкалар ва тўлов терминаллари ишлаб чиқариш бўйича қўшма корхона ташкил этиш юзасидан 2004 йил охиригача Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсинлар.


9. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Тошкент шаҳрида, вилоят марказларида ва вилоятга бўйсунувчи шаҳарларда жойлашган, савдо майдони 150 квадрат метрдан ортик бўлган турғун савдо шохобчаларига чакана савдонинг амалга ошириш учун рухсат берувчи гувоҳномалар беришда уларда тўловларни пластик карточкалар бўйича қабул қилиш имконини берувчи терминаллар мавжуд бўлишини назарда тутишлар.

10. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси билан биргаликда бир ой муддатда:

амалдаги қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгариш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсинлар; вазирликлар ва идораларнинг норматив ҳужжатлари мазкур қарорга мувофиқлаштирилишини таъминласин.

11. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.С.Азимов ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки раиси Ф.М.Муллажонов зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси
И.КАРИМОВ



Жаҳон ва маҳаллий ахборот воситалари хабарларида

• Козогистонда бўлиб ўтган парламент сайловларининг дастлабки натижаларига кўра, мамлакат Президенти етакчилик қилаётган «Отан» партияси 40 фоизга яқин овоз билан пешкадамлиқ қилмоқда. 19 фоиз овоз олган «Асар» партияси иккинчи ўринда борапти. «Ак жол» партиясини сайловчиларнинг 17 фоизи қўллаб-қувватлади. Айтиш лозимки, Козогистон парламенти га кириш учун партиялар 7 фозидан зиёд овозга эга бўлишлари лозим.

• Хитой Коммунистик партиясининг Марказий қўмитаси мамлакатнинг солиқ раҳбари, 78 ёшли Цзянь Цзэминнинг Марказий Харбий Кенгаш раислиги лавозимидан истеъфосини қабул қилди. «Синьхуа» ахборот агентлигининг маълум қилишича, мазкур лавозимга ХХРнинг амалдаги раиси Ху Цзиньтао тайинланди.

• БМТ Хавфсизлик Кенгаши Судан давлатининг Дарфур вилоятида содир бўлаётган геноцидга қарши резолюция қабул қилди. Хавфсизлик Кенгаши резолюциясига кўра Судан ҳукумати бу вилоятдаги можароларни бартараф этиш чора-тадбирларини зудлик билан қўллаши зарур. Акс ҳолда Судан давлатининг асосий даромад манбаи бўлиши нефть соҳасида чекловлар қўлланилади. БМТ маълумотларида келтирилишича, 2003 йилнинг февраль ойида бошланган галаёнчилар ва араб жангарилари тўқнашувлари оқибатида бугунги кунгача 50 мингдан зиёд одам ҳалок бўлиб, 1,5 миллион аҳоли қочқинга айланган.

• Маҳачқалъа яқинида ўтказилган махсус операциялар чоғида ўлдирилган жангарилар Муслим бошчилигидаги гуруҳ таркибига кирган. Жангарилар гуруҳи Доғистон ички ишлар, федерал хавфсизлик хизмати ходимларига ҳужум уюштириб келлаётганди. Йўқ қилинган бешта жангаридан 4 тасининг шахси аниқланди. Гуруҳ раҳбари, Шамил Басаевнинг таржimoni ва йўл кўрсатувчиси бўлган Расул Макашарипов ўлдирилганлар орасида йўқ.

• Доғистонда содир этилиши мумкин бўлган йирик терактнинг олди олинди. Жангари гуруҳларни бартараф этиш борасида олиб бориладиган махсус операция чоғида Доғистоннинг Талиги қишлоғида террорчиларнинг лагери ва қурол-яроғ омбори топилган. Олишувлар оқибатида 2 нафар милиция ходими ва 3 жангари ҳалок бўлган.

• Туркия жанубида полицияга автомобилга остига қўйилган бомба портлаши натижасида 14 киши яраланган. Улар орасида 2 та полициячи ҳам бор. Туркиянинг танкичи қўшиқчиси Қандан Эрсетининг очик майдонда ўтаётган концерти чоғида портлаш рўй берган. Ҳозирча ушбу портлаш ортида ким тургани аниқ эмас. CNN телекомпаниясининг маълумотлари бўйича, концерт чоғида 30 мингга яқин киши ҳозир бўлган.

• Гаитида ҳукм сураётган «Жанна» тропик тўфонини оқибатида мамлакатда йирик вайроннагарчиликлар содир бўлган. Маълумотларга кўра сув тошқини вақтида 100 га яқин гаитилик ҳалок бўлган. 100 минглаб аҳоли бошпанасиз қолган. Мутахассислар маълумотига кўра, бу табиий офат бир неча кундан буён «Иван» тўфонидан азият чекаётган АҚШнинг шимоли-шарқий томон йўл олиши мумкин.

**САЙЛОВЛАР ОЧИҚ
ВА ҲАЛОЛ ЎТАДИ**

Давоми. Боши 1-бетда.

Ингилишда таъкидланганидек, шу йил 20 сентябрдан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига сайлов кампанияси бошланди. Сайлов жараёни мамлакатимиздаги мулкчилик шаклидан қатъи назар барча оммавий ахборот воситалари томонидан кенг ва очик ёритилиши эркин демократик сайловларнинг асосини ташкил этади.

Сайловлар ва Ўзбекистон оммавий ахборот воситалари тарихида илк бор сайловолди кампанияси давлат миллий электрон оммавий ахборот воситалари билан бирга нодавлат телевидение ва радио станцияларнинг янги барпо этилган ягона телетармоғи орқали кенг ёритилиши.

Матбуот марказларининг самарали фаолияти учун улар телефон, факс, интернет каби алоқа воситалари билан таъминланиши қайд этилди.

Ўтган йил декабрида таъсис этилган ва олтишдан зиёд аъзога эга Ўзбекистон Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси жорий йилда илгор лойиҳа - ягона телевизион тармоқни амалиётга татбиқ қилмоқда.

Шу ой бошида йигирмадан ортик эфирга чиқувчи нодавлат телестанция «Ўзбекистон нодав-

лат телестанциялари телетармоғи» масъулияти чекланган жамиятини таъсис этади.

Ингилишда депутатликка номзодлар, сиёсий партиялар, сайловчилар ташаббускор гуруҳларининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига сайловлар пайтида сайловолди тарғиботини ўтказишда номзодларнинг оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиш тартиби ҳақидаги Низом лойиҳаси муҳокама этилди.

Шунингдек, йиғилишда кун тартибидagi теле ва радио эфирда сайловолди тарғиботни олиб бориш тартиби, сайлов жараёнини ёритиш учун қандай оммавий ахборот технологияларидан фойдаланишга рухсат берилгани, теле ва радио эфирда сиёсий дебатлар, сайлов кампаниясини ёритишни молиялаштириш, сиёсий партияларга эфир вақтини ажратиш тартиби, ажратилган вақт ҳажми, сайлов жараёни шпирокчиларига ажратилган эфир вақти учун тўлов шартлари, сайлов жараёнида қатнашиш истagini билдирган оммавий ахборот воситалари учун зарур ҳужжатларни расмийлаштириш тартиби га оид масалалар батафсил муҳокама қилинди.

Йиғилишда журналистлар ўзларини қизиқтирган барча саволларга атрофлича жавоб олишди.

ЎЗА

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг навбатдаги Пленуми бўлиб ўтди.

ОЛИЙ СУД ПЛЕНУМИ

Олий суд раиси Ф.Муҳиддинова бошқарган Пленум мажлисида жиноят ишлари бўйича далиллар мақбуллигига оид қонун нормаларини қўллаш, яқна тартибда қўрилган уй-жойга нисбатан эгалик ҳуқуқи билан боғлиқ низоларни кўриш, қасддан одам ўлдиришга оид ишлар бўйича суд амалиёти, Олий суд Пленумининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий суди Жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатининг иш фаолияти тўғрисидаги масалалар муҳокама қилинди.

Пленумда далиллар мақбул-лигига оид масала муҳокама-сида ушбу ҳуқуқий институтнинг инсон ҳуқуқлари ҳимоясини таъминлашдаги муҳим аҳамияти таъкидланиб, ҳар бир жиноят иши бўйича суриштирув, дастлабки тергов ва суд муҳокама-си даврида жиноят-процессуал қонунда белгиланган исбот қилишнинг умумий қондалари га қатъий риоя қилинганлиги ни текшириш зарурлиги кўрсатиб ўтилди.

Яқна тартибда қўрилган уй-жойга нисбатан эгалик ҳуқуқи билан боғлиқ низолар судлар томонидан асосан тўғри ҳал қилинаётгани, айна вақтда уй-жой қурилиши ёки сотиш-сотиб олишнинг қонунийлигини аниқлаш, уй-жойга нисбатан мулк ҳуқуқини белгилаш, уйдан ҳисса ажратиб бериш (уй-жойни бўлиш) тўғрисидаги низоларни ҳал қилишда айрим ҳатоликлар га йўл қўйиш ҳоллари ҳам қу-

затилаётгани қайд этилди. Судлар бу тоифадаги ишларни кўриб чиқиш юзасидан тегишли тавсиялар берилди.

Касддан одам ўлдиришга оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисидаги масала муҳока-масида судлар бу тоифадаги ишларни кўриб чиқишда иш ҳолатларини ҳар томонлама, тўла ва ҳолисона текшириши зарурлигига қаратилган қонун талабларига қатъий амал қилишлари кўрсатиб ўтилди.


Олий суд Жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатининг иш фаолияти тўғрисидаги Пленум мазкур ҳайъат томонидан одил судловни амалга ошириш, суд амалиётини шакллантириш, қуйи судлар фаолиятини мувофиқлаштириб бориш ва уларга амалий ёрдам кўрсатиш борасида муайян ишлар амалга оширилаётганини таъкидлади. Ҳайъат асосий эътиборини ариза ва шикоятларни қонуний ва ўз вақтида ҳал этиш, ишларни биринчи инстанцияда кўриш, суд қарорларининг қонунийлиги ва асослигини апелляция, кассация ва назорат тартибида текширишга йўналтирилаётганига эътибор қаратилди.

Пленум мажлисида муҳока-ма қилинган масалалар бўйича тегишли қарорлар қабул қилинди.

Пленумда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди раиси М.Абдусаломов, Олий ҳужжалик суди раиси А.Эшметов, Бош прокурор Р.Қодиров ишти-рок этди.

ЎЗА

Фарзандлари соғиниб юрётган кудратли бёлир



Давоми. Боши 1-бетда

Турнирнинг тантанали очилиш маросимида сўзга чиққанлар спортчи ва мураббийларни катта спорт байрами билан табриклар эканлар, Юртбошимизнинг бевосита раҳнамоликлари остида болалар спортини ривожлантиришга қаратилаётган эътибор ўзининг тотли меваларини бераётгани, хусусан Афинада ўтказилган ёзги олимпиададаги муваффақиятлар, Рустам Қосимжоновнинг шахмат бўйича жаҳон чемпиони тожини кийиши ҳам шулар жумласидан эканлигини мамнуният билан таъкидлашди.

Сўнг юртимизда ушбу спорт тури ривожланишига, унинг тарғиботига ўз хиссасини қўшиб келаётган каратэ заҳматкашлари «Ўзбекистонда каратэни ривожлантиришга қўшган улкан хиссаси учун» эсдалик совғалари, «Каратэ фидойиси» эсдалик медаллари ҳамда турнирнинг эсдалик кубоклари топширилди.

Мусобақа бошланишидан олдин шунингдек, 2004 йилги Ўзбекистон чемпионлари Фарҳод Аҳмедов ва Шерзод Кодиров, каратэмиз юлдузлари — Осиё чемпиони ва китъа ўйинлари совриндорлари Отабек Қосимов, Илхом Каримов, мамлакатнинг бир неча бор чемпиони, халқаро турнирлар ғолиблари Икром Каримов ва Александр Паклар кўргазмалли чиқишлари орқали ўз юқори маҳоратларини намоён этишди.

Шундай қилиб турнирни ўғил болалар яқка тартибдаги ката баҳслари билан бошлаб беришди. Жамоа ката баҳсларидан сўнг кизлар яқка тартибдаги кумитэ йўналишида ўз маҳоратларини кўрсатишди.

Кувонарли томони шундаки, катнашчилар «жанг»ларини синчковлик билан кузатган мутахассислар яқдиллик билан ёш каратэчиларнинг маҳорати ўсиб бораётгани, кўпги-

МАҲОРАТ, ЭПЧИЛЛИК, ЧАҚҚОНЛИК КЎРИГИ

на беллашувлар тенг курашлар остида ўтгани, айниқса турли вилоятлардан келган спортчилар иштирокидан катта қониқиб ҳосил қилганликларини алоҳида таъкидлаб ўтдилар. Дарҳақиқат, ғолиб ва совриндорлар рўйхатига назар ташлар эканмиз, ундан Тошкент шаҳри билан бирга, вилоятлар вакиллари ҳам кенг ўрин олганлигининг шохиди бўламиз.

Масалан, яқка ката баҳсида 1996 йилда туғилган ўғил болалар ўртасида Андижон вилояти вакили Ихтиёр Мадаминов ғолиб чиққан бўлса, 1992-1995 йилларда туғилганлар ўртасида Тошкент шаҳридан Миржамол Қосимов, Муроджон Ҳакимов, Санжар Анваров, Илья Поповлар хурмат шохсупасининг энг юқори поғонасини банд этишди. 1991 йилда туғилган Фахриддин Атамуродов (Хоразм) ҳам ғолиблар сафини бошқарди.

Киз болалар ўртасида шу йўналиш бўйича энг ёш катнашчилар — 1993-94, 1995-96 йилларда туғилганлар орасида Сурхондарё вилояти вакиллари Севара Аҳмедова ва Сурайё Мухаммаджоновалар зафар кучишди. Кизлар ўртасидаги яқка кумитэ баҳсларида ғолиблар сафида тошкентлик Лида Потапова, Қашқадарё вакиллари Наргиза Тоштемирова ва Мухайё Хўжакулова, андижонлик Фазода Қорабоева, Наманган вакили Гулбаҳор Дадабоева борлигини кўрамиз. Яқка кумитэнинг ўғил болалар ўртасидаги «жанг»ларда асосан Наманган вилояти, Тошкент шаҳри ва пойтахт вилояти, самарқандлик ёшлар рақибларидан устун келишди.

Ўғил болалар ўртасида жамоа ката мусобақасида битта ёш тоифасида «Тошкент-I», иккита ёш бўйича «Тошкент-II», 1986-87-88 йилларда туғилганлар ўртасида «Билло» каратэ клуби (Тошкент шаҳри) ғолиб чиққан бўлса, кизлар ўртасида жамоа ката беллашувларида 1986-96 йилларда туғилганлар ўртасида «Билло клуби» вакиллари, яна иккита ёш тоифасида қашқадар-

рёллик кизлар, 1986-88 йилларда туғилган каратэчилар баҳсида эса наманганлик ёшлар барча рақибларидан устун келишди.

Биз турнир давомида мусобақа ҳакамлари ва катнашчиларнинг фикр-мулоҳазаларини ҳам қоғозга туширдик.

● РИФАТ АЛИЕВ,

ҳакам:

— Авваламбор Ўзбекистон Кубоги мусобақаларида барча вилоятлар ва Қорақалпоғистон Республикасидан, яъни юртимизнинг ҳамма гўшаларидан спортчиларнинг иштирок этиши турнир нуфузи болалар спортининг жойларда қанчалик ривожланаётганлигидан яққол далolat бериб турибди. Турнирнинг биринчи куниданоқ болалар ва кизлар ўртасида рақобат кучли эканлигини кўрдик. Бу демак, ёш каратэчиларнинг маҳорат даражаси анча кўтарилган.

● ОЛИМЖОН МАҲКАМОВ (Фарғона вилояти), кумитэ бўйича 15-17 ёшлилар ўртасида учинчи ўрин соҳиби:

— Турнирда олти ўйин ўтказиб, бештасида галаба қозондим. Рақибларим жуда кучли эди. Мусобақанинг ташкилий томонлари жуда яхши. Узим ўтган йилги республика чемпиони, Россиянинг Санкт-Петербург шаҳрида ўтказилаётган каратэ фестивалининг совриндори бўлсамда финалга чиқа олмаганим катнашчиларнинг юқори маҳоратидан далolat беради.

Эндиликда келаси йилнинг баҳорида ўтказиладиган мамлакат чемпионатига тайёргарлик кўряпман. Келгусида Отабек Қосимов, Дониёр Қурбонбоев, Жамшид Қобулов каби етакчи спортчиларимиз изидан бориб, Осиё чемпиони бўлиш ниятидаман.

● Камолиддин РАШИДОВ «Билло» клуби (Тошкент шаҳри), кумитэ бўйича 1986-88 йилларда туғилган ўсмирлар ўртасида 60 килограммгача вазнда кумуш нишон соҳиби:

— Етти учрашувда қатнашган бўлсам, ҳаммаси кескин ва шиддатли кечди. Рақибларим кучли бўлишига қарамай энгишга интилдим. Фақат финалда «Тошкент» каратэ клуби вакили Дамир Гумеровга ютказиб кўйдим. Турнир давомида кўплаб дўстлар орттирдим. Мени айниқса, сеvimли «Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталарининг мусобақани ўтказишда ҳамкорлик қилиши жуда қувонтирди. Бу каби мусобақалар кишини ҳам руҳан, ҳам жисмонан чиниктиради.

Ниятим келгусида устозим Билолиддин Зайниддинов каби иқтидорли мураббий бўлиб, чемпионлар етиштириш, юртимиз байроғининг халқаро майдонда ҳам мағрур ҳилпирашига эришишдир...

Ниҳоят кескин ва шиддатли баҳслар ортда қолиб, ғолиб ва совриндорлар аниқланди. Уларга диплом ва медалларни Ўзбекистон Каратэ миллий федерацияси президенти Нурхон Нафасов, Тошкент шаҳар Каратэ федерацияси раҳбари Шерали Сулаймонов, қора белбоғ 5 ДАН соҳиби Тимур Мухамедов, «Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталарининг бош муҳаррири Акмал Ақромов ва бошқалар тантанали равишда топширишди.


Ўзбекистон Кубоги — 2004 йилги ғолиби Тошкент шаҳар каратэ федерацияси, 2 ва 3- ўринлар соҳиблари Қашқадарё ва Наманган вилоят федерациялари махсус Кубоклар билан тақдирланди.

Бир гуруҳ ёш, маҳоратли каратэчилар эса «Галабага бўлган иштиёқи учун», «Намунали жанг кўрсатгани учун» махсус совғаларининг соҳиблари бўлишди. Юқори маҳорат кўрсатганларга қора белбоғ 1 ДАН талабларини бажарганлари учун дипломлар топширилди. Умиджон Муродов «Энг ёш иштирокчига» махсус совринига лойиқ деб топилди.

Уйлаймизки, Ўзбекистон Кубоги катнашчилари орасидан келажақда халқаро мусобақаларда юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилиб, унинг доврғини жаҳонга ёювчи кўплаб каратэ юлдузлари етишиб чиқади.

ДИЛШОД ИСРОИЛОВ
СУРАТЛАРДА: Ўзбекистон Кубоги — 2004 мусобақаларидан лавҳалар.

Ҳакимжон Солиҳов олган суратлар.



Давоми. Боши 6-бетда.

9.15 «Жаҳон спорти. Теннис».
10.15 «Спорт клуб: Спорт масканларида».
10.35 «Нокаут».
11.05 -12.50 «Умринг ағови». Бадий фильм.
17.00 Вести.
14.55 Кўрсатувлар тартиби.
15.00 Бадий гимнастика. Жаҳон кубоги.
«Ўзбекистон» спорт мажмуасидан тўридан-тўри олиб кўрсатилади.
17.30 «Хабарлар».
16.45 «Болалар спорти».
17.00 Футбол. Ўзбекистон кубоги. Финал. «Пахтакор»-«Трактор». «Пахтакор» Марказий стадиондан тўридан-тўри олиб кўрсатилади.
18.50 «Муъжизалар майдони».
20.00 «Время».
20.25 «Спорт клуб: Ринг».
21.00 «Хабарлар».
21.15 «Дадиллик учун совин».
21.40 Бадий гимнастика. Жаҳон кубоги финал муسابокалари ва тантанали ёпиши маросими.
22.40 «Жаҳон спорти: Профессионал баскетбол».
00.10 «Тунингиз осуда бўлсин!»

30-й канал

12.00 Ойлик программаси.
12.05 «Теле-хамкор».
12.30 «Детский час».
13.00 «У всё решу сама».
13.00 «Ошикона», мусикий дастури.
16.00 «Тайны мира», познавательная передача.
17.00 «Теле-хамкор».
17.20 «Детский час».

18.00 Киновечер на «30-м». «Прект Ар», комедия.
19.40 «Ошикона», мусикий дастури.
20.20 Звезды ринга на «30-м». Лучшие бойцы звезд профессионального и любительского бокса 21.10 «Зарубежные клипы».
21.15 «Теле-хамкор».
21.30 «Музыкальная пауза».
22.10 Киновечер на «30-м». «Из темноты», детектив.
24.00 «Ночной канал». «Пираты», остросюжетный фильм.

Первый канал

5.00 Телеканал «Доброе утро».
8.00 Новости.
8.05 Народный детектив «Участок».
9.10 «Клон».
10.30 Смехопанорама Евгения Петросяна.
11.00 Новости.
11.05 Евгения Симонина, Сергей Николенко, Василий Лановой в детективе «Бес в ребро».
12.50 «Женщины в любви».
14.00 «Новости (с субтитрами)».
14.20 Борис Щербakov, Леонид Куряев в сериале «Сыщики».
15.30 «Фабрика звезд».
16.00 «Пять вечеров». Сегодня пятница.
17.00 Вечерние новости (с субтитрами).
17.20 Документальный детектив: «Узник персидской обители».
17.50 «Основной инстинкт».
18.50 «Поле чудес» с Леонидом Якубовичем.
20.00 «Время».
20.25 «Фабрика звезд».
21.40 Премьера Джордж Клуни, Катрин Зета-Джонс в комедии «Невыносимая жестокость» (2003 год).
23.40 Триллер «Помни» («Memento») (2001 год).
1.50 Гонконговский боевик «Полиция будущего».

ШАНБА, 2

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35 ТВ-анонс.
9.40 «Ўзбек телефильми» намойиш этади: «Бойсун».
«Болалар сайёраси»: 9.00 «Уйла, Изла, Топ!» Телемусобака.
9.50 ТВ-клип.
10.00 «Хидоят сари».
10.20 «Музыка дунёси».
10.40 «Солик хизмат тибарлари».
10.50 «Бу турфа олам».
11.40 «Алиса». Мультфильм.
12.55 «Кўхна замин оханларини».
13.15 «Муҳаббат ва ахтирос». Телесериял.
14.10 «Тафсилот».
14.30 «Интеллектуал

Россия

2.00 «Доброе утро, Россия!».
5.45 «Сериал «Красная площадь».
6.45, 14.50 «Ундина. Негрские волны». Теле-сериал.
7.45, 10.50, 13.30, 16.50 Вести. Дежурная часть.
8.00, 11.00, 14.00, 17.00 Вести.
8.30, 11.10, 13.40, 17.30 Местное время. Вести-Москва.
8.50 «Мусылмане».
9.00 «Вся Россия».
9.15 «Москва».
9.30 «Городок». Дайджест.
9.55 «В поисках приключений».
11.30 «Частная жизнь».
12.30 «Сериал «Трактор».
14.20 «Кулагин и партнеры».
15.50 «Комната смеяди».
17.50 «Спокойной ночи, малыши!».
17.55 «Народный артист».
18.50 «Юрмалана-2004». Фестиваль «Мороз».
20.40 Результаты голосования. «Народный артист - Ваш выбор!».
20.55 Комедия «Игра в кости».
24.00 Приключенческий фильм «Бланиш».
1.05 «Дорожный патруль».
1.15 Детектив «Полный Мамай: отдел нравов».
2.10 «Навеки Дружия». Телесериял.

НТВ

5.00 «Сегодня утром».
9.00, 12.00, 15.00, 18.00 «Сегодня».
9.15 «Преступление в стиле «модерн».
9.55 «Квартирный вопрос».
10.55 Сериал «Граф Кроуфорд».
12.35 Сериал «Возвращение Мухомора».
13.30 Сериал «Кодекс чести».
14.35, 17.30 «Чрезвычайное происшествие».
15.20 Ток-шоу «Принцип домино».
16.30 Сериал «Адвокат».
18.45 Боевик «Максималистский риск».
21.00 «Страна и мир».
21.35 «Стресс». Ток-шоу.
22.45 Детектив «Спасение за школой».
00.55 «Кома: это правда».

ТВ-3

7.30 Победоносный голос верующего.
8.00 М/с «Ураганички».
8.30 М/с «Мумии возвращаются».
9.00 М/с «Эволюция».
9.30, 14.30 Д/с «Хвосты истории».
10.00 Ток-шоу «Моя семья».
11.00 Телесериял «Дороги любви».
12.00 Х/ф «Кидальи».
15.00, 19.00 Ток-шоу «Большая стирка».
16.00 Телесериял «Три судьбы».
17.00 Х/ф «Стальной рассвет».
20.00 Сериал «Леди мэр».
21.00 Х/ф «Частный детектив, или Операция «Кооперация».
23.00 Х/ф «Джонни Мнемоник».
1.00 Д/с «Кунсткамера».
1.30 Х/ф «Убей меня нежно».

«Ўзбекистон»

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35 ТВ-анонс.
9.40 «Ўзбек телефильми» намойиш этади: «Бойсун».
«Болалар сайёраси»: 9.00 «Уйла, Изла, Топ!» Телемусобака.
9.50 ТВ-клип.
10.00 «Хидоят сари».
10.20 «Музыка дунёси».
10.40 «Солик хизмат тибарлари».
10.50 «Бу турфа олам».
11.40 «Алиса». Мультфильм.
12.55 «Кўхна замин оханларини».
13.15 «Муҳаббат ва ахтирос». Телесериял.
14.10 «Тафсилот».
14.30 «Интеллектуал

«Спорт»

7.30 «Хабарлар».
7.45 «Бардам бўлинг. Тонги дами ошли дастури».
8.45 «Хабарлар» (рус тилида).
9.00 «Спорт клуб».
9.10 «Лаззат».
9.30 Хужжатли фильм.
10.20 «Муҳаббат хикоялари». В. Кузнецов.
11.00 «Болалар спорти».
11.15 «Жаҳон спорти: Проф РИНГ».
11.55 Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги «Осиё юлдузлари» ансамблининг концерти.
12.30 «Спорт клуб».
12.45 «Эфир юлдузлари» Юрий Левитан.
13.30-14.00 Дисней клуб.
16.55 Кўрсатувлар тартиби.
17.55 «Хабарлар» (рус тилида).
17.10 «Аралаш».
17.40 «Калб миллионер бўлишни истайдими?».
18.40 «Ялта-2004». Халқаро хажий фестивали.
20.00 «Время».
20.20 «Болалар спорти».
20.40 «Шахматнинг 64 минг олами».
21.00 «Хабарлар».
